

Ўзбек ва туркман халқлари дўстлигининг ёрқин тимсоллари



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳамроҳлигида Ашхободда “Тошкент” боғининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Боғ Туркменистон пойтахтининг Махтумқули шоҳқўчасида, гавжум масканда жойлашган. Уч гектар майдонда ландшафтли гулзорлар ташкил этилган, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари нусхалари барпо этилган.

Давлат раҳбарлари бу ерда яратилган шароитларни кўздан кечирди. Эзгу ниятлар ифодаси сифатида боққа дарахтлар экди.

Ўзбек ва туркман миллий куй-қўшиқлари ижро этилди. Президентлар шу ерда тўйини нишонлаётган ёш оилага бахт-саодат тилади.

Маросимда икки мамлакат расмий делегациялари, Ашхобод жамоатчилиги вакиллари, ёшлар қатнашди.

Маълумки, Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Тошкентда “Ашхобод” боғи очилган эди. Бу икки боғ Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари ўртасидаги узвий ришталарнинг ифодаси бўлди.

Шу ерда “Хоразм - Тошовуз” чегараолди савдо зонасининг қурилишига бағишланган маросим бўлди.

Чегараолди савдо зонаси икки мамлакатнинг чегарадош ҳудудида, “Шовот - Тошовуз” ўтказиш пункти ёнида қурилмоқда. Унинг умумий майдони 20 гектарни ташкил этади.

Бугун ушбу масканни барпо этишни ишларини давом эттириш ва унинг фаолиятини тартибга солиш


бўйича баённома ҳам имзоланди. Ҳудудда савдо расталари, омборхоналар, контейнерлар учун майдончалар ва тадбиркорлар учун иш жойларидан иборат замонавий инфратузилма яратиш режалаштирилган. Ушбу савдо ҳудуди ўзаро савдонинг ошишига, бизнес алоқаларнинг фаоллашишига хизмат қилади.

Хоразм ва Тошовуз вилояти оқсоқоллари, мутасаддилар видеоалоқа орқали барчани ушбу воқеа билан табриклаб, қурилишни бошлашга рухсат сўради.

Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари бу хайрли ишга оқ фотиҳа берди.

Икки халқ дўстлиги ва фаровонлигига хизмат қиладиган яна кўплаб қўшма лойиҳалар амалга оширилишига ишонч билдирилди.





Манба